



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 22 (658)
2019 йил
14 июнь,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru

USAID

IRZ

OSCE

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА ИШ ЮРИТИЛИШИ:
ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ADMINISTRATIVNOE SUDOPROIZВОДСТВО РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН:
СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

ADMINISTRATIVE JUSTICE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN:
CURRENT STATE AND DEVELOPMENT PROSPECTS



ДАВЛАТНИ
АЛДАСАНГ,
«ЖИГОКУ»ГА
ТУШАСАН!

БОБОКАЛОНЛА-
РИМИЗНИ
ҲАЙРАТЛАНТИР-
ГАН ТОШОЙНА

МАЪМУРИЙ СУДЛОВ ТИЗИМИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА 2-с.



4-с.
«Маъқул, маъқул»лик
билан яшаб бўлмайди



«Каттакўрпа»даги
оқсоқолталашлик
Ўқувчиларимга
раҳмим келади
7-с.

**ҚИСҚА
САТРЛАРДА
ЎҚИҢ!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 13 июнь куни Бишкек шаҳрига борди. Саммитнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни бўлиб ўтади.

Маъмурий судлов тизими халқаро экспертлар нигоҳида



Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий суди инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Тараққиёт стратегияси» маркази, БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси, ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар офиси Координатори, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва Германия халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IPZ) билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий судлов тизими: замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида халқаро конференция ўтказилмоқда.



АҚШдан келган экспертлар иштирок этмоқда.

— Бу тadbир ўтган йили Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича бутун дунё Декларациясининг 70-йиллигига бағишлаб ўтказилган Осие форуми якуний натижаларини амалга тadbик этиш учун ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» талабидан келиб чиқиб, ўтказилмоқда, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Комилов**. — Келган меҳмонлар ҳам бу борада олиб борилган ишлар ҳақида фикрлашмоқда. Ялпи ва секция мажлисларида сўз-

га чиқувчилар белгиланган мавзу бўйича тақдимотлар ўтказмоқда. Гуруҳларга бўлинган ҳолда ёритилган мавзулар юзасидан халқаро экспертлар билан муҳокама олиб бориляпти.

Тadbир доирасида Ўзбекистоннинг маъмурий юстиция соҳасидаги эришган ютуқлари қизгин муҳокама қилинди. Келгусида маъмурий ва маъмурий-процессуал қонунчиликни илгор хорижий тажрибани инobatта олган ҳолда такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қайд этиб ўтилди. Чет эллик экспертлар билан маъмурий юстиция тизимини ташкил этиш бўйича ўзаро тажрибалар алмашилди. Шунингдек, келгусида маъмурий судлов тизимини Ўзбекистон Республи-

касини тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари, маъмурий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари натижалари ҳам тўпланган бой тажрибани ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш юзасидан фикрлар билдирилди. Уч кун давом этадиган конференциянинг якуний натижалари бўйича маъмурий судлов тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар қабул қилиниши режалаштирилган.

Шунингдек, учинчи кун конференциянинг чет эллик иштирокчиларининг Шайхонтоҳур ва Чилонзор тумани маъмурий судларида ташифи ҳам режалаштирилган.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Жамият» мухбири

Конференцияда ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан бирга Россия, Австрия, Арманистон, Беларусь, Германия, Испания, Қозоғистон, Қирғизистон, Франция, Украина, тожикистон, Туркманистон ва



Бобокалонларимизни ҳайратлантирган тошойна

Фарғона — инсоният цивилизациясининг қадимий масканларидан бири сифатида тан олинган бўлса, Сўх воҳасидаги Селинқир, Обишир, Чашма, Зархор, Каптархона, Оқтурпоқ каби горлар тарихи (горлар ибтидоий одамларнинг маскани) милоддан аввалги тош асрининг мезолит ва неолит даврларига бориб тақалади. Тош устидаги тасвирлар — турли жонзотлар, бу даврга етиб келмаган баҳайбат ҳайвонларнинг расминдан ҳам воҳанинг қадимийлигини англаш мумкин.

Сўх ўрта асрларда яшаб ижод қилган Ибн Ҳавқал, Ал-Муқаддасий, Ибн Хордадбех, Ибн Бакран, Ал-Жайҳон

ний сингари таниқли Шарқ алломалари, жуғрофия ва тарих фанлари билимдонларининг эътиборини тортган. Воҳанинг шонли тарихи, шунингдек, мўътадил ҳавоси, сўлим иқлими кўплаб саёҳатномаларда, муаллифи номаълум «Худуд ул-олам»да зикр этилган. Тақдир амри ила Сўх ва Хушёр кўхпояларига келиб, бир йил истиқомат қилган улуғ бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Сўх манзараларини алоҳида меҳр билан тасвирлаган.

Ушбу манзил муборак қадамжолари билан ҳам машҳур. Бурҳониддин Марғинович (Рошидоний), Аҳмад ал-Фарғоний, Сайф Фарғоний каби аждодларимиз назари тушган тарихий гўша. Сайёҳлар қадами узилмайдди. Сариканда қишлоғидаги Ҳазрат Али, Ғазновдаги Маҳмуд Ғазнавий зиёратгоҳлари бутун минтақада машҳур — муқаддас қадамжолар ис-

тиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари туфайли ўзгача файз топиб, гулларга бурканган ажойиб дам олиш масканига айланган. Қадамжолар агрофида янги боғ-роғлар, сўлим хиёбонлар барпо этиляпти.

Тоғларга талпиниб, юксакликдан мўъжиза қилдирган аҳоли Тўл қишлоғидан 2-3 километр узоқда жойлашган Сурати адирларини сир-синоатга тўла деб билади. Суратида қора мрамарга ўхшаш улкан харсангтош мавжуд. Яқинроқ борсангиз, ўз аксингизни кўрасиз. Шунинг учун ҳам уни «Тошойна» дейишади. Шу ойна бир замонлар «Бобурнома» муаллифининг ҳам эътиборини жалб этган. «Узунлиги 10 қари (7 метрга тенг), баландлиги бир одам бўйига баробар тошойнада ҳамма нарса акс этиб туради» деб мўъжизавий тошининг шакл ва суратини чизиб бера-

ди Мирзо Бобур.

Мугтепа баландлигида муғлар яшар эди. Айтишларича, баҳор кунларининг бирида қирқ қанизаги билан қалъадан чиқиб, адирлик сари сайилга чиққан шох қизи тўсатдан ёв ҳужумига дуч келиб, Сурати тоғи томон қочади. Яширинадиган жой йўқ. Худодан нажот сўраётди, шох қизи қўлидаги ойнани харсангтошга уради. Гумбурлаган садо чиқиб, тоғ ёрилади, унинг ичида қизлар паноҳ топади. Чилпарчин ойна эса улкан Тошойнага айланган эди. Душман аскарлари Яратганнинг амри билан ойнада даҳшатли тасвирни кўриб қочиб кетишади.

Тошойна зарурат туғилганда шубҳали ва гумондор шахсларнинг суратини ҳам акс эттирган, деган нақллар мавжуд. Ўғри ва босқинчиларнинг қиёфасини аниқлаб, кўлга тушириш, жазолаш учун Кўқон хонлари гўё шу сир-

Ватан мадҳи

ли ойнадан фойдаланишган. Аламзада тўда эса маслаҳатлашиб, Тошойнани порлатиш, ёқиб юбориш қасдига тушади. Натижада шаффоф ойна қора мрамар тусини олади...

Ҳикоя қилишларича, Самарқанддаги муқаддас обидалар, жумладан, Шоҳи Зинладаги айрим қабрлардан йилнинг маълум муддатларида сирли садо чиқиб тураркан. Қадимий Сўхнинг Қалъа мавзесида жойлашган Хўжа Ориф, Обишир қишлоғидаги Хонақоҳ ва Масжиди Хўжа Абулқосим, Демирсад маҳалласидаги Хўжа Мурулбахш, Ғазнов гузаридagi Султон Маҳмуд каби муқаддас даргоҳларга боғлиқ ғалати жумбоқ ҳам кишини ўйлантиради. Ҳақиқий дам олиш масканларига айланган бу гўшаларга яхши ният билан келиш, мусаффо булоқларнинг сувидан ичиб, маънан покланиш, эзгу ишларни амалга ошириш, яхши ном қолдириш истагини қалбда туғишга ундайди.

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси



12 июнь кuni Тошкентдаги «Қоҳ ота», «Самарқанд дарвоза», «Хаста Имом» маҳаллаларининг фуқаролари учун 360 та янги хонадон қалитлари топширилди.

Ветеринария назорати кучайтирилади

Кейинги йилларда мамлакатимизда чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш, қорамол ва паррандалар бош сони ошириш, шунингдек, улар учун озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамлаб борилмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ветеринария, чорвачилик, наслчилик-селекция ишларининг мазмун-моҳиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро тажриба ва андозалар даражасида чорвачиликни ривожлантириш учун янги шароитларни яратди, десак янглишмаймиз.

Маълумки, чорвачилик соҳасида, хусусан, наслчилик-селекция ишларини самарали ташкил этишда илғор халқаро тажрибани ҳаётга татиқ этиш, етакчи хорижий турдош соҳа ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишлар талаб даражасида амалга оширилмаётган эди. Шунга қўра, чорва моллари наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги чорвачилик хўжаликларини фаолияти ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда йирик тадбиркорлик субъектларини кучайтиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қароридан белгиланган вазифаларни тўлиқ бажариш мақсадида «Ўзбекчорванасл» агентлиги, Самарқанд

ветеринария медицина институтининг Тошкент филиали ташкил этилди. Ветеринария медицина институти, Қорақўлчилик чўл экология-

Қўмита ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

си илмий-тадқиқот институти ва Балиқчилик илмий-тадқиқот институти Қўмита ташкилий тузилмаси таркибига киритилди.

Бундан ташқари, соҳада хизмат кўрсатиш даражасини сифат жиҳатдан ошириш ва такомиллаштириш, «Ўзбекчорванасл» агентлигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Шунингдек, 2019-2021 йилларда чорва моллари бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда четдан насли мол олиб келиш бўйича прогноз кўрсаткичлар тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган муҳим жиҳатлардан яна бири Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачи-

лик, паррандачилик ва асалари-чилик бошқармаси, Балиқчилик бошқармаси ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида «Ўзбекчорванасл» агентлиги ташкил этилишидир.

Этиборли жиҳатлардан яна бири бу Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили наслчилик иши сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш учун келгусида бир минг беш юз нафарга яқин ишчи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан 12 ойлик шартнома асосида ишларга жалб этилади. Уларнинг иш ҳақи жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Айтиш керакки, агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан аҳоли, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилган хизматлар ҳамда насли чорва молларини республикага импорт қилиб сотишдан тушган маблағлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.

Илмий-тадқиқот ишлари, қўмита ва тизим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассис кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, ходимларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда қўшимча иш ҳақларини молиялаштириш учун Ветеринария ва чорва-

Қуйидагилар қўмита таркибига ўтказилди:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг академик лицейи;
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти;
Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти;
Балиқчилик илмий-тадқиқот институти;

Қўмита ҳузурида Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Ўзбекчорванасл» агентлиги ташкил этилди.

2020 йил 1 январдан:

100 бошли чорва ва 100 минг парранда бўлган хўжаликларда ветеринария врач ва зоотехник штати жорий этилади;
қорамолчилик йўналишидаги хўжаликлардаги ҳамда аҳоли қарамоғидаги сигирлар селекция режасида асосан насли буқалар уруғи билан сунъий уруғлантирилади;

туман ҳокимлари келгуси йилга озуқа экинларини жойлаштириш режасини «Ўзбекчорванасл» агентлигининг ҳудудий бошқармалари билан келишиди.

чиликини ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

Умуман олганда, бу қарор республикада ветеринария хизмати, чорвачиликда наслчилик-селекция ишларини самарали ташкил этиш, мамлакат иқтисодиётига том маънода муносиб ҳисса қўйиш, соҳада малакали кадрлар ва уларнинг салоҳиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Шухрат ЖАБОРОВ,
Ўзбекистон ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

«Фара»ни ёқиб юриш бекор қилинганга йўқ муддат ўзгарди, холос

Сўнги йилларда ҳаётимизда жуда кўплаб ўзгаришлар, янгиликлар кузатишмоқда. Хусусан, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ҳам. Соҳани такомиллаштириш, унга янги, инновацион технологияларни жорий этиш, қонунчиликни замон талаблари даражасига кўтариш йўналишидаги ишлар шулар жумласидан.

«Йўл харитаси»да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йилнинг 9 апрель куни «Йўл ҳаракати қоидалари»га ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Ушбу қарор билан амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг «Ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш» деб номланган бобининг 138-банди қуйидаги тахрирда баён этилди.

«Куннинг ёруғ вақтида барча автомобиль транспорт воситалари яқини ёритувчи чирокларини ёки кундузги сигнал чирокларини ёқиб ҳаракатланиши шарт».

Бу нарса хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида жорий этилди. Сабаби чироклари ёқилган ҳолда ҳаракатланаётган транспорт воситаси тез эътиборга тушади. Ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам уни ўз вақтида илғаб олишига имкон кенгайтирилади.

Аммо сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда бу масала кенг муҳокама қилиниб, турли фикрлар билдирилётган эди. Шуларни эътиборга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси шу йил 4 июнь куни ўзининг 460-сонли қа-

рори билан кундузи чирок ёқиб юриш талабларига ўзгариш киритди. Унга қўра, 2021 йил 1 январга қадар куннинг ёруғ вақтида яқини ёритувчи чирокларни ёки кундузги сигнал чирокларини ёқиб ҳаракатланиши шартлиги бўйича талаб автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироклари билан жиҳозланмаган автомобилларнинг воситаларига нисбатан татиқ этилмайди. 2021 йилнинг 1-январига қадар фақатгина транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда, йўловчиларни ташитган автобус ва йўналиши транспорт воситаларида, болалар гуруҳини ташкилий ташитишда, хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазни юкларни ташитишда, механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида), мотоцикл ва мопедларда яқини кўрсатувчи чироклар ёқилган бўлиши керак.

Қарорда 2020 йил 1-январдан бошлаб мамлакатда ишлаб чиқариладиган барча автомобилларнинг воситалари ивчи бозорга ишлаб чиқарувчи томонидан автоматик ёниб турувчи кундузги сигнал чироклари билан жиҳозланган ҳолда чиқарилиши лозимлиги белгилаб берилди. Шунингдек, республикага чет элдан импорт қилинадиган автомобилларнинг восита-

ларидан кундузги сигнал чирокларининг мавжудлиги сертификатциядан ўтказиш учун мажбурий техника талаб сифатида белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда икки ойлик муддатда муомалага чиқарилаётган гилдиракли транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент мазкур қарор талаблари асосида такомиллаштирилади.

Шунингдек, қарорда ИИВ ва Адлия вазирлиги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ҳамкорликда бир ой муддатда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ёруғ вақтда автомобилларнинг воситаларининг яқини ёритувчи чирокларини ёки кундузги сигнал чирокларини ёқиб ҳаракатланмаганлиги учун жавобгарликни енгиллаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар киритиш вазифаси юклатилди.

Яна бир мулоҳаза. Вазирлар Маҳкамасининг 460-сонли қарори эълон қилиниши билан кўпчилик кундузи чирок ёқиб юриш амалиёти бекор қилинибди, деган фикрга бормоқда. Йўқ, бу тартиб бекор қилингани йўқ, қарор билан унинг амал қилиш муддати узайтирилди, холос. Яъни, ҳаракат иштирокчиларига имконият яратилди. Эндиликда ана шу имкониятдан тўғри фойдаланиш керак.

Кундуз кунни чирок ёқиб юришдан қўриқиб керак эмас. Бу ишларнинг ҳам ўз қонун ва қоидалари бор. Уларни эса ҳамма бирдек ҳурмат қилиши, бажариши шарт. Чунки ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш барчанинг иши. Бундан ҳеч ким четда тура олмайди. Бу ерда гап инсон ҳаёти ва хавфсизлиги тўғрисида бормоқда.

Азизхон МУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ
Матбуот хизмати муҳим топшириқлар бўйича инспектори, майор



Суриядан қайтарилган аёллар ва болаларга шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар берилди. Улар соғломлаштириш муассасасидан уйларига кузатиб қўйилди.

Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, юксалишларга гувоҳ бўлар эканмиз, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган бешта муҳим ташаббус шубҳасиз, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларга янада жўшқинлик бахш этаётгани ўз исботини топмоқда. Хорижий инвестициянинг дадил олиб қирлаётгани дейсизми, таълимга бўлган эътибор, шаҳар ва туманларда секторлар раҳбарлари қабуллари ташкил этиш бир тизимга келтирилаётгани, айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали қилинаётган мурожатларга бўлган ҳозиржавоблик ҳам одамларнинг бугунидан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда. Бундай эзгу ишларни эътироф этиш, улар билан фахрланмоқ жоиз, албатта.

«Маъқул, маъқул»лик билан яшаб бўлмайди

белгилайдиган омилга айланмайди? Бу мисоллар зиёдилар орасидан олиб айтилмоқда, холос. Демак, бошқа жабҳаларни тасаввур қилверинг! Одамлар орасига оралсангиз, аҳвол бундан-да баттар бўлса борки, яхши эмас.

Ишонмасангиз, шаҳар ичида қатнайидиган автобусларга ёки таксиларга ўтириб, бозорга боринг... Ёки, шаҳарнинг тирбанд кўчаларини, чорраҳаларини кузатинг.

Нимагадир, давлатдан, ҳокимликлардан талаб қилувчилар, «бер-бер»чилар кўп, бундан ор қиладиган, «мен мамлакат учун, шу юрт учун, элим учун қандай наф келтирдим», деб ўзига савол берувчи фидойилар ҳам беҳисоб, лекин халқимиз, менталитетимиз нуқтаи назаридан уларни санашга бармоқларимиз ҳам ортиб қолади. Биз ана шундай қарашларга ўрганган халқимиз. Тўғри, нуронийлар, оқсоқоллар, маҳалла фаоллари, педагоглар, мураббийлар, кўзи ёниб турган ёшларимиз, умуман, белда белбоғи бор ватанпарварларимиз етарли. Афсуски, негачир олиб бораётган маънавий-маърифий ишларимизнинг самарадорлиги, таъсири кам.

Хар тонг субҳидамда Университет хиёбони узра бир гуруҳ ҳаммаслақлар сайр қиламиз, фавворалар, шинам йўлақлар ёнидан ўтамиз. Одамларнинг дам олиши, яйраб яшаши, баҳра олиши учун шароитлар яратилган. Лекин аксарият майдон ва хиёбонларда чиқинди. Чиқинди соладиган идишлар эса бўш турибди. Уриндиклар ерга маҳкам қилиб ўрнатилган. Ёғоч уриндиклар темирга беркитилган. Аммо баъзи «шоввозлар» шуларни ҳам кўпориб, гўё ҳаловат топгандек, уйларига олиб кетгандек таассурот уйғотади кишида. Ёриткич ускуналари кўпга чидамайди. Яроқсизлигиданми? Йўқ, тош отиб синдиришгандан. Ободончилик мутасаддилари нима



қилишин, кўчани, мулкни пойласинми, ҳамма ишини кўйиб, хиёбонга қоровуллик қилсинми энди?

Худудларда ҳамма туманларга қатнайидиган расмий ва норасмий автошўбекалар мавжуд. Бу жойлар мудом «такси»чилар, қирақашлар билан гавжум. Қаёққа қараманг, ситарет ва нос чекаётган ҳайдовчиларни, йўловчиларни кўрасиз. Уларнинг кўпчилиги дуч келган жойга тупуриб кетаверишади. Қаёққа боришингизни сўраб, ҳоли-жонингизга қўйишмайди. Гап асносида юзингизга тутун пуфлаб, ёнига нос туфлаб туришини қайси нақс-табла, қайси устозидан ўрганди экан булар?!

Самарқанд шаҳри буйлаб мавжуд аҳволни кўзатар экансиз, йўлларни тўлдириб ҳаракатланаётган снгил автомобилларнинг ҳар ўнтадан 4-5 таси сариқ рангга бўялган таксилар. Гўё, уларнинг деярли ҳаммаси, нос чекадигандек. Чорраҳада қизил чироқда тўхтаган айрим ҳайдовчилар ҳеч тап тормай, асфальтга туфлайди. Бундай жирканч манзарадан этингиз жунжиқиб, беихтиёр «ё алҳазар», деб юборасиз. Улар шу дамда шаҳримизда қанчадан-қанча чет эллик меҳмонлар кезиб юрганини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Лекин ҳеч ким танбех бергиси келмайди. Чунки кайфиятини бузгиси йўқ... Мижоз қўл кўтаргудек булса, йўлнинг истаган қисмида тўхтаб, савдолашадиган баъзи ноинсоф ҳайдовчилардан бошқалар эҳтиёт бўлишин! Акс ҳолда, орқасидан урилиб, қоидабузарга айланиши ҳеч гап эмас.

Азиз муштарий, шу ёзаётганларимизнинг қай бири сиз учун аниқлик? Ҳеч бири! Шу ва шунга ўхшаш юзлаб ножоиз ҳолатларни ҳар биримиз ҳар қадамда кузатамиз. Давра суҳбатларида, гурунларда, оммавий ахборот воситаларида кузатамиз. Аммо аҳвол ўзгармаяпти. Биз эса ўз йўлимизда ке-

таверамиз. Сукунати бузгимиз келмайди... Аксарият Шарқ мамлакатларида, Европанинг барча худудларида бундай ноҳуш манзарани учратиш даргумон. Чунки бундай аянчи манзара уларда ўта маданиятсизлик, қашшоқлик саналади. Керак бўлса, катта-катта жарималар қўлланилади. Одамларнинг ўзлари

ҳам бунга қатъий риоя этишади. Нима учун бу хил ноҳушликлар, кўпчиликнинг асабига тегадиган салбий иллатлар ҳали-ҳамон давом этаяпти? Кўчаларимиз нега нотоза, ариқлар ахлатлар билан тўла? Нима учун айримлар бир-бирларидан яхши гапларни аяшади нотаниш кишига салом беришни ўзига эп кўрмайди ва ҳоказо.

Авалло, тозалик ва орасталик учун тер тўкаётган, қишда ҳам, жазирамада ҳам йўлларни ювиб, гулларни меҳр ила парваришлаётган ободончилик тизими ҳодимларининг меҳнатини қадрлашимиз керак эмасми? Кўчани бўлгаётган, сесгарит ташлаб, нос туфуриб кетаётган айрим кимсаларга, танбех берайлик! Йўлда турган ДАН назоратчиси имкон топиб, йўлни ифлос қилаётган кимсага нисбатан қаттиққўлроқ бўлса, уларга шундай имконият берилса, айни мудоао эмасми? Мутасаддилар меҳнат жамоаларида, автопаркларда бу иллатни одамларга ҳар кун, ҳар соатда таъкидлаб туришдан чарчамаслиги керак. Маънавият соатларида бу кусурларни қоралайлик. Имом хатибларимиз амру маъруфларда қайта-қайта уларни айтишдан чарчашмасин! Стадионларда, футбол мухлисларига ҳам карнайлар орқали оқсоқоллар, ҳожи оталарнинг насиҳатларини етказиб туриш зарур. Ахир, бу ҳам маънавий тарбиянинг таъсирчан самараси-ку!

Хўш, бу иллатлар ниманинг орқасидан содир бўлмоқда? Ҳайлаб уйига етмайди киши. Бизнингча, одамларимизда

ички маданиятнинг тобора заифлашиб, қашшоқлашиб бораётганидан. Газета-журналларни ўқиш, китоб мутолааси етарли даражада эмаслигидан айрим кимсалар тубанлашиб бормаяптимикин?

Иштихон туманида рўй берган уюшган жиноятчилик, ақлга сиғдириб бўлмайдиган қотиллик ҳам ана шу қашшоқликнинг оқибати, десак туғрироқ булади. Вилюят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг «Бу ўта муҳим воқелик барчамиз учун шармандали ҳолат. Тўрт нафар ёш йигитнинг пул илнжида беш кишининг қотилига айланишини тасаввур қилиш қийин. Минг афсуски, ана шу тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳолат сизу бизнинг кўз ўнгимизда рўй берди. Одам боласининг шунчалик ваҳшийликка боришини хаёлга келтиришнинг ўзи даҳшат. Бунинг илдизи аввало одамларнинг бир-бирига бефарқлиги, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга эътиборсизлигига бориб тақалмоқда. Сен менга тегма, мен сенга тегмайман, деган қараш мана, фожиага олиб келди», дея куйинчалик билан татқиллаган сўзлари ижтимоий тармоқлар орқали тарқалди. Раҳбарнинг шу дамдаги руҳий ҳолатини, бешафқат ўлдирилган норасидаларнинг яқинлари аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ваҳшийлик ҳам аслида маънавий қарақликдан, тубанликдан келиб чиқади.

Бой балават бўлса-у, халқ орасида қадримиз бўлмаса. Бир-биримизнинг иззатимизни, ҳатто, ўзимизнинг ҳурматимизни ҳам тушуниб ета олмасак. Айтишга арзimas пул учун бир-биримизнинг жонимизга қасд қилсак. Бир қориндан талашиб чиққан бўлса-у, ота-она ҳали тирикчилигида меҳор талашиб, юз кўришмай кетсак. Уларни тариклайин ўлимга маҳкум этсак. Бунинг учун ким айбдор? Жамиятми, ёки одамлар? Бу иллатларнинг илдизини, аввало, буюк жадидларимиз қайта-қайта таъкидлаган тарбиянинг заифлигидан ахтарайлик.

Яна бир қўшимча. Қарсикки қўлдан чиқади, дейишади. Аслида маънавий-маърифий ишларимиз ҳам ўлда-ўлда. У ҳалигача бир тизим шаклига келтирилган эмас.

Суюн КАРИМОВ,
СамДУ профессори,
Дилмурод ДҮСТМУРОДОВ,
журналист

Эълон

«Full House» МЧЖ 2019 йил 10 июндаги 01-сонли баённомасига асосан устав фондини 22 552 241 000 сўмдан 200 000 000 сўмга камайитрилганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (95) 143-97-63

«Декоратив Строй» МЧЖга Миробод тумани Давлат хизматлари агентлиги томонидан 2019 йил 29 май санасида берилган муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласида «Файзуллаҳжа ўғли Муродхожи» жоме масжиди расмий фаолият бошлади. Масжиднинг очилиш маросимида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов иштирок этди.

Давлатни алдасанг, «Жигоку»га тушасан!

Бугун эрталаб ишга кетаётган эдим. Метрода бир болакайга кўзим тушди. Бошини китобдан кўтармай кетди анча жой-гача. Ҳавасингиз келади.

Чилаб туrolмадим. Ёнидаги жой бўш экан. Ўтириб саволга тутдим. Япон халқига сумимасен (узр) деб узоқдан гап бошламасангиз кўрқиб кетади. Мен ҳам узр деб, саволга тутдим. Жавоб бергиси келмай сўзлади.

— Қанақа китоб ўқиябсан?
— Мактабдан берган уйга ва-зифамни қиляпман.
— Нега уйда қилмадинг?
— Уйда ҳам қилдим. Бу ерда ҳам қиламан. Биласизми? Мен кўп китоб ўқишим керак.
— Нимага?
— Отам билан онам ажрашган. Онам мени жуда ҳам қийна-либ катта қиляпти. Баитода (соатбай ишлаш) ишлаб жуда ҳам қийналяпти. Мен ҳозир зўр ўқисам, келажақда ўзимни кашамни (компания) очиб, онамни шачоу (компания бо-шчилиги) қилиб тайинлайман. Ўзимизнинг уйимиз бўлади... Мени «боқишдан қийналаман, бола керакмас» деб ажрашиб

кетган отамга ҳам ёрдам қила-ман, дейди...

Кўзларимга ёш келди...
Нотўғри савол бериб кўйган-нимдан хижолат бўлиб, чалғитиш мақсадида гапини бўлдим.

— Сатоукун, (исми Сатоу экан, кун кўшимчаси, эркалаб чақиринишда ишлатилади) дарс қилишни яхши кўрасанми?

— Ҳа, жуда ҳам. Онам айтган менга, дарс қилсам, яхши одам бўлсам, одамларга ёрдам бер-сам, давлатга зиёним тегмаса «тенгоку»га тушарканман.

— «Тенгоку» нима?



— «Тенгоку»ни билмай-сизми? Мен сизни кийимларингизни, кў-лингиздаги китобни кўриб, ақлли одам деб ўйлагандим. Ие, ҳа сиз гаикоужинсиз-ку (хорижлик) шунга тушунмадингиз шекил-ли. «Тенгоку» дегани одам ўлгандан кейин борадиган жой. Яхши одамлар «Тенгоку»га тушади. Ёмон одамлар «Жигоку»га.

— «Тенгоку»ни билмай-сизми? Мен сизни кийимларингизни, кўлингиздаги китобни кўриб, ақлли одам деб ўйлагандим. Ие, ҳа сиз гаикоужинсиз-ку (хорижлик) шунга тушунмадингиз шекилли.

«Тенгоку» дегани одам ўлгандан кейин борадиган жой. Яхши одамлар «Тенгоку»га тушади. Ёмон одамлар «Жигоку»га.

Бу гапларни эшитиб, Жаннат ва Дўзах ҳақида гапир-раётганини фаҳм-ладим. Яна саволга тутдим:

— Сатоукун, Жигоку (дўзах)га қандай одамлар тушади?

— Давлатни алдаб пул ундири-ганлар, масалан: ўқимай, ишламай, «пулим йўқ, пул беринглар» деб фақат давлатдан пул ундирадиган-

лар тушади. Ёмон одамлар ту-шади. Давлатни ҳам тушади деб айтишди менга. Лекин, мен хоҳламайман.

— Бўлди, мен кейинги бекатда тушаман. Бай бай.

— Ўқишларингиз омад. Укажон, Илоҳим барча орзуларингизга эришингиз...

Бола тушиб кетди. Қара-сам, анча бекат ўтиб кетибман. Кун бўйи бола билан бўлган суҳбат ҳақида ўйладим. Ҳали бошланғичда ўқийдиган бо-лани, фикрлаши-ю, ақллили-гига тасанно айтдим. Фарзанд тарбиясига қўйил қолдим.

Япония анча-мунча давлат-лардан илдамлаб кетганининг сабабини тушунгандек бўлдим. Ўқимаса, ҳеч қандай бўлолмас-лигини, оддий соатбай ишда ишлаб умри ўтиб кетишини ту-шунган, келажақда катта ком-панияни юритаман, деб бола-лигидан қаттиқ ҳаракат қилган Сатоукунлар ривожлантир-ган экан Японияни. Жуда кўп Японни кўрасиз ўзимни ком-паниямни очаман, деб қаттиқ ўқиб, соатбай ишлаб, ухламай юрганини. Шу сабадан Япон

компаниялари дунёда кучайиб кетгандир, балки.

Давлатни алдасанг, «жиго-ку»га тушасан деган гапи жуда ўйга солди одамни.

Барака топ, Сатоукун. Ўзингдан неча баробар ёши катта акангга, «жигоку», «тен-гокудан», ҳаётдан, тиришқоқ-ликдан, китоб ўқишдан дарс бериб кўйганинг учун...

Ният қилайлик, бизнинг юртимиздан ҳам шундай, бо-лажонлар, ёшлар чиқиб, кат-та-катта компаниялар очиб, кучли олимлар чиқиб, ота-бо-боларимизнинг муносиб во-рислари чиқиб, Ўзбекисто-нимизни Япониядек, бошқа ривожланган давлатлардек юқори чўққиларга олиб чиқ-син.

**Баҳодир ИСКАНДАРОВ,
Шинжукку шахри, Япония.
2019 йил 7 май.
Мақола тугади.
Фото: Япония
метросидаги Сатоукун.
(Муаллиф олган сурат).**

**Сиз менинг ойм эмасмисиз?
Қоровул кўрсатган йўлакка қадам ташла-шим билан ўзимга берилган бу саволдан вужудим титраб кет-ди. Қаршимда кўзла-ри умид билан мунгли жавдираб турган 4-5 ёшли болакай турар-ди...**



Иброҳим, дея болани излаб келган тарбиячига аҳволим эриш туолмади шекилли, узр, сиз директоримиз кута-ётган мухбиримсиз? Мен билан юринг, дея йўл бошлади. Йўл-йўлакай болани қўлидан ушлаб олиб, менга изоҳ берди.

— Иброҳимнинг келганига 2 йил бўляпти, шу кунгача дарвоза олди-га келиб, ота-онасини кутиш одатини қанда қилмайди.

«Ота-онамни топсам, сира хафа қилмасдим...»

Иброҳим менга елимдек ёпишиб олди. Унга қараган сайин, уйда мени соғиниб кутадиغان ўғлим ёдимга тушиб кетаверади.

Сизни онам деб ўйлабман, опа, дей-ди Иброҳим. Тилимга ҳадеганда гап келмайди. Бўғзимга аччиқ кўз ёш тики-лади.

ни, қандай сўз айтишни билмас эдим. Директор аҳволимни сезди шекилли, тарбиячига имо қилди. Аммо Иброҳим-нинг кетиш нияти йўқ эди...

Маълум бўлишича, бегуноҳ бу бола-нинг ота-онаси қонуний никоҳда бўл-маган, шайрий никоҳ ўқитиб турмуш қурган. Иброҳим туғилгач, отаси айрим сабабларга кўра бола тарбияси билан шуғулланишдан воз кечган. Онаси эса соғлиги ёмонлиги, ҳеч қарда ишламас-лиги, шу сабабли фарзанди тарбияси ва моддий таъминоти билан шуғул-лана олмаслигини вақ қилиб, 2014 йилда туғилган бу гўдакни Меҳрибонлик уйи-га топширган.

— Ота-онамни топсам, сира хафа қилмасдим, — дейди Иброҳим болалар-ча содда самимият, ёруғ умид билан.

Иккиламчи етимлик азобини била-сизми?

23-Меҳрибонлик уйида турли мил-латга мансуб 200 бола тарбияланади. Уларнинг 25 нафари тирик етимлар ҳи-собланади.

Ҳар тонгдан бахт кутган болалар

— Тарбияланувчиларни фарзандлик-ка олиш истагида бўлган ота-оналар келиб туради. Баъзан олиб ҳам кетишали. Лекин энг ёмони нима, биласизми? Ай-римлар бироз вақт ўтиб «бизга бу бола тўғри келмади», «бу бола ўрганиб кет-толмаяпти» ёки «ўзимиз ҳам фарзанд кутаямиз, шунинг учун уни қайтариб беришга аҳд қилдик» қабилидаги са-бабларни рўқач қилиб болани бизга қайтариб олиб келади. Бундай болалар иккиламчи етим, деган ҳужжат билан қайта расмийлаштирилади, — дейди Меҳрибонлик уйи ходимаси Нигора Шоматова. — Нима бўлишидан қатъий назар, шундоқ ҳам қалби кемтик но-расидага яна етимлик тамғасини бо-сиш, уни шу азобни қайта ҳис этишга мажбурлаш ноинсофлик, виждонсиз-ликдир. Шу аҳволга тушган болаларни кўп кузатганман, улар олдингидан ҳам мунгайиб, ҳаётга қайтиши, юзига табас-сум югуриши жуда қийин бўлиб қолади. Боланинг қалбини яралашга ҳеч бири-мизнинг ҳақимиз йўқ.

Спорт инсонни дарддан фориғ қилади

— Бу ерда жисмоний тарбия йўриқ-чиси бўлиб ишлайман, — дейди Жам-шид Асадов. — Болалар билан дўст бў-

либ кетганмиз. Ҳозир футбол жамоаси тузганмиз. Мақсадимиз уларга кела-жақда йўлини топишда кўмаклашиш. Озми-кўпми натижага ҳам эришганмиз. Икки нафар тарбияланувчимиз Ўзбе-кистон футбол чемпионатида «АГМК» ва «Локомотив» клубларида ўйнайди. Уларни футбол бўйича ёшлар терма жа-моасига ҳам таклиф қилишмоқда. Яна бир футболчимиз «Сергели» футбол жамоаси аъзоси. Шу йил июль ойида Польшада Меҳрибонлик уйи тарбия-ланувчиларидан ташкил топган терма жамоалар ўртасида жаҳон кубоги бўлиб ўтади. Ҳозир шу мусобақага тайёргар-лик кўряпмиз.

Яна жончир манзара...

Меҳрибонлик уйи раҳбари билан суҳбатимиз тугай деб қолганида ички ишлар бўлими томонидан яна бир бола олиб келинганини хабар қилишди.

Пастга тушганимизда 12 ёшлар чама-си бир бола кўлида сумкасини кучоқла-ганча мунгайиб ўтирарди. Фирдавснинг ота-онаси оилавий келишмовчиликлар сабаб ажрашган. Онаси ўз хошии би-лан фарзандидан воз кечган...

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА



Президент мактабларига 15 мингдан ортиқ талабгор ҳужжат топширди.

«Каттакўрпа»даги Оқсоқолталашлик ёхуд сайлов жараёнидан кимлар норози?

Яқинда ижтимоий тармоқларда Самарқанд вилояти Каттакўрғон туманидаги «Каттакўрпа» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла раиси (оқсоқоли) учун бўлиб ўтган сайловда кўпол қоидабузарликларга йўл қўйилгани, дастлаб, маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссия томонидан иккита номзод рўйхатга олиниб, сайлов куни учта номзод овозга қўйилгани ҳақидаги эътирозли фикрлар кенг жамоатчилик орасида муҳокамага сабаб бўлди. Хўш, маҳаллада бўлиб ўтган сайлов чиндан ҳам ноқонуний ўтганми? Билдирилган эътирозлар ўринлими?



«Маҳалламиздаги бўлиб ўтган сайловда қонун бузилишларига йўл қўйилди. Вакиллар сони етарли бўлмаса-да, бировнинг номидан овоз бериш ҳолатлари кузатилди. Овоз тўплашда ноҳолисликка йўл қўйилди. Биз ушбу сайловдан норозимиз ва қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаймиз», дейилган бир гуруҳ фуқаролар номидан ижтимоий тармоқда.

«Дастлаб, сайловга икки номзод кўрсатилган эди. Сайловдаги икки номзод бўйича сайлов бюллетени ҳам чиқарилган. Аммо сайловга бир кун қолганда учинчи номзод қўшилиб, сайлов бюллетен қайтадан чоп этилган. Учинчи номзод қаердан пайдо бўлгани ҳақида бизга тушунириш ҳам берилмади. Сайловда айнан шу учинчи номзод сайланди ва шу номзодга овоз бериш ҳақида сайлов жараёнида маҳалладаги ишчи гуруҳ раиси А.Бобоқулов томонидан яширинча тарғибот ҳам қилинди. Овоз тўплашда шу тариқа қонун бузилишига йўл қўйилди. Вакиллар айнан учинчи қўшилган номзодга овоз бериши кераклиги ҳақида огоҳлантирилган», деган «яширин мурожаат»чининг фикрлари ҳам мақолада илгари сурилган.

Мурожаат замирида нима мужассам?

Ижтимоий тармоқда эълон қилинган мақолада сайловдан норози бўлаётган вакиллар ёки фуқаронинг шахси муаллиф томонидан сир сақланган. Маҳаллада ўтган сайловдан норози бўлаётган бир гуруҳ фуқароларнинг шахси нима учун очиқланмасдан қолдириляпти?

Тахририятимиз хондимлари бўлиб ўтган сайлов жараёни, сайловдан норози бўла-

ётган фуқароларнинг мақсади, бу борада маҳалла раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари, сайловда овоз бериш ваколатига эга вакиллар ва жамоатчилик фикри билан қизиқди.

Маълум бўлишича, маҳаллада бўлиб ўтган сайловдан шу маҳаллада истиқомат қилувчи, «Каттакўрпа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) га номзод сифатида рўйхатга олинган, сайловда 68 та овоз билан раисликка сайланмаган Улфат Қаюмовнинг ўғли Бегзод Қаюмов норози бўлиб, отаси Улфат Қаюмов манфаатларидан келиб чиқиб, маҳалла аҳолиси номидан шикоят қилган. Кейинчалик маҳаллада бўлиб ўтган сайловга доир ҳолат ижтимоий тармоқда эълон қилинган, ушбу масала маҳалла фаоллари, сайловни ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси вакиллари томонидан муҳокамага қўйилиб, ўрганиш ўтказилганда мурожаатчи Б.Қаюмов маҳаллада ўтган сайлов бўйича ҳеч қанақа шикоят ва эътироз йўқлиги тўғрисида ёзма маълумот берган.

Сайлов бўйича норози бўлиб ижтимоий тармоққа мурожаат қилган Бегзод Қаюмовнинг мақсади нима унда? Шов-шув кўтариш орқали раисликка сайланмай қолган отаси манфаатларини ҳимоя қилиш бўлганми? Ёки раисликка сайланган Пўлат Салоҳиддиновга шахсий адовати борми?

Ижтимоий тармоқдаги шов-шувлардан кейин маҳалла раислигига 109

та овоз билан сайланган Пўлат Салоҳиддинов ушбу вазифага киришишдан бош тортиб, раисликдан овоз этишни сўраб, ариза берган.

Маҳалла раислиги мукофот эмас!

Қадимий ривоятлар орқали ҳаққимизнинг элбоши, ёки оқсоқолларнинг қаҳрамонликлари ҳақида кўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Улар ўз халқи, фуқаролари учун керак бўлса, жонларини ҳам аямаган. Бугун юрт устун, дея эътироф этилаётган маҳалла оқсоқолларидан ана шундай фидойилик ва қаҳрамонлик талаб этилади.

«Каттакўрпа» маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзоди қўйилиб, одамларнинг хоҳиш истаклари асосида оқсоқолликка сайланган Пўлат Салоҳиддинов ушбу масъулиятли вазифани ўзига «мукофот» деб ўйлаган кўринади. Аввалига иштиёқ билан оқсоқолик қилишга аҳд қилган П.Салоҳиддинов битта-иккита норози кайфиятдаги фуқаронинг ташаббуси билан ижтимоий тармоқда кўтарилган шов-шувдан кейин халқ томонидан ишониб топширилган масъулиятли вазифани ташлаб қочмоқда! Шу ўринда айтмоқчи бўлганимиз, маҳалла раислиги ҳеч кимга берилган мукофот ёки амал эмас. Халқ ишониб сайладими, ушбу вазифани силқидилдан бажариш ҳар бир фуқаро учун бурч. Аввало, маҳалла юкни елкага олишдан олдин ҳар хил уйдирмаю низоли ҳолатларни бартараф этишни ўйлаб қўриш керак эди. Халқимизнинг ўтмишидан маълум, иродаси бўш ва мўрт, беқарор инсонлар нафақат ўзини, балки атрофидаги инсонларни ҳам доимо ташвишга қўйиб келган.

Сайловда қонун бузилганми?

Масалага оидинлик киритиш мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга кўмаклашувчи Каттакўрғон туман комиссияси масъулари, маҳаллада сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари ва фаоллар билан суҳбатда бўлдик.

— Сайловда қонун бузилишлари қузатилгани тўғрисида ижтимоий тармоқларда мақола эълон қилинди, — дейди «Каттакўрпа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси Абдурауф Бобоқулов. — Мақолада эътироф этилган айрим фикрларга мутлақо қаршиман. Тўғри, ҳужжатларни тўлдиришда айрим камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Лекин бу сайлов ноқонуний ўтди дегани эмас. Мақолада «Комиссия раиси Абдурауф Бобоқулов вакиллари орасида Пўлат Салоҳиддиновга овоз беринлар, деган тарғибот ишларини олиб борган» дея шайнимга доғ туширадиган исботсиз тўхмат қилинган. Мен сайлов жараёнида ҳеч бир номзодга овоз беришни сўраб тарғибот қилганим йўқ. Қолаверса, бўлиб ўтган сайлов адолат принциплари асосида қонуний ўтди. Овоз бериш жараёни тўлиқ видеотасвирга олинган. Ижтимоий тармоқ журналисти сайлов жараёнида умуман иштирок этмаган, маҳалла раислигига номзод Улфат Қаюмовнинг ўғли Бегзод Қаюмовнинг мурожаатини маҳалла аҳолиси мурожаати, дея асос қилиб, шов-шув кўтаришга уринган.

Ижтимоий тармоқдаги эътирозлар тафсилотида тўхталадиган бўлсак, дастлаб, раисликка 3 киши номзоди кўрсатилган. Ўрганиш жараёнида бир номзод рад этилган. Шундан кейин учинчи номзод сифатида Пўлат Салоҳиддинов рўйхатга олинган. Бюллетен 13 май 2019 йил сайловчиларга тарқатилганида қонуний асосда бўлган. Сайловгача бўлган жараёнда бюллетенни тайёрлаш ишларига комиссия аъзоларидан бошқа ҳеч кимнинг аралашishi га ваколати йўқлигини барчамиз яхши биламиз. Энди сайловда овоз бериш ваколатига эга бўлган 336 нафар вакилдан 286 нафари иштирок этгани таъкидланмоқда. Уларнинг 185 нафари ўз ваколатлари доирасида номзодларга овоз берган. 101 нафар вакил эса овоз бермасдан кетган. Санок комиссиясининг хулосасига кўра, П.Салоҳиддинов 109 та, Т.Эргашев 7 та, У.Қаюмов 68 та овоз олган ва П.Салоҳиддинов маҳалла раиси этиб сайланган. Сайлов якунида комиссия раиси томонидан ўтказилган йиғилишда вакиллар томонидан ҳам, иштирок этган фуқаролар томонидан ҳам сайловга ва овоз бериш жараёнига нисбатан эътироз ҳамда норозиликлар кузатилмагач, қарор қабул қилинган.

Энди мулоҳаза ўзингиздан. Оқсоқолталашлик қилаётган айрим фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар маҳалладаги муҳитни таранглаштиришдан иборат эмасмикин? Бугунга келиб, турли шов-шувлар сабаб янги сайланган раис ҳам одамлар томонидан билдирилган ишончга нописандлик билан қараб, вазифасига киришишдан воз кечиши кечириб бўлмас ҳолат.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Жамият» мухбири



Хукуматнинг 2019 йил 11 июндаги қарорлари билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиаллари ташкил этилди.

Жараён

Тилсиз ёвнинг олди олинмоқда

Ёши улуғларимиз дуога қўл очганда «ўт балосидан асрасин...», деган сўзларни такрорлашни қанда қилмайди. Бунинг замирида катта маъно ётишини эса ҳамма ҳам бирдек тушуниб етмас керак. Йўқса, одамлар бу балога нисбатан бефарқ бўлмасди. Ёнгининг олдини олиш борасида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда огоҳлантирувчи эълонлар бериб борилса-да, барибир кимнингдир лаёқатсизлиги боис ёнгин содир бўлаверади. Унинг қудратли куч эканини, у қутурса, даҳшатли балога айланиши мумкинлигини умр бўйи йиққан мол-дунёси олов домига тушиб, бир зумда куйиб кулга айланган кишиларгина яхши билади.

Ёнгин хавфсизлиги ходимлари уйма-уй юриб, қурилаётган биноларда тушунтириш ишлари олиб боради. Вақти-вақти билан қурилиш майдонларида ишчи ходимлар билан талбирлар ўтказилади. Ундан қўзланган мақсад аҳоли ва давлат мулкани ўт балосидан асраш.

Айниқса, қурилиш майдонларида бирламчи ёнгинга қарши воситалар таъминлаиб, шай ҳолатга келтирилиши, у ердан ўтган юқори қучланишли электр манбаларининг яхшиланиши, қурилиш ишларига жалб этилган шахсларни огоҳлантириш мақсадида жойларда ёнгин хавфсизлиги бурчлари ташкил этилгани содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олишда қўрилаётган муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Шундагина ёнгин келиб чиқишининг асосий сабабларидан бўлган унинг бошланғич нуқтаси мустаҳкам бўлади. Бу тадбирларнинг самараси шунки кўрсатдики, ёнгин бўлиб, у ўчирлиб, кейин унинг сабаби излаб юрилмасдан, тилсиз ёв хавфининг олди олинмоқда.

Шундагина хотиржам фаолият юритиш мумкинлигини жамиятимиз мутасаддиларга яхши билишиди. Корхона ва ташиқлотлар раҳбарлари нафақат ёнгин хавфсизлиги ойлги давомида, балки доимий иш фаолияти даврида ҳам ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилинса, турли кўнгилсиз воқеалар содир бўлишининг олдини олган бўлади. Бу эса корхона, ташкилот, муассаса ва маҳалла идоралари билан ҳамкорликда иш олиб боргандагина ўз самарасини беради.

Р.ТОШМУХАМЕДОВ,
Юнусобод тумани ЁХБ катта инспектори

Ўқувчиларимга раҳмим келади

Болалигимда ота-онам яхши яшаш учун яхши ўқиш кераклигини кўп бора уқтирарди. Шу боис зўр бериб китоб ўқишга, илм олишга интилар эдим. Биринчи партада ўтирар, дарсларда фаол бўлар, хуллас, аълочи ўқувчи бўлишга тиришар эдим. Шу хатти-ҳаракат инъикоси ўлароқ, олийгоҳга кирдим, ўқишни битириб ишга жойлашдим. Назаримда ҳаммаси жойида эди, токи ҳаётимда бир воқеа содир бўлмагунча...



Мактабда дарсим бор, бунинг устига синф раҳбарман, болаларнинг давомати яхши, бироқ ҳар пайшанба куни синфнинг ярмидан кўпи дарсга келмайди. Улар билан турли методларда гаплашиб кўрдим, тўғри тушунтирдим, илтимос қилдим, ҳатто, дўқ ҳам уриб кўрдим, айбдорона бош эгиб, хўп, дейишадими-ю, аммо фурсат етганда яна эски ҳаммом, эски тос!

дан бўён ўн беш йил ўтибди. Мен билан мактабда, кейинчалик олий даргоҳда аъло баҳоларга ўқиганларнинг бугунги кунига ҳаёлан назар ташлайман. Баъзилари ҳали рўзгорини алоҳида қилишга улгурмаган, баъзилари номи улуг супраси қуруқ, чоригини зўра судраб юрибди. Мен кабилари сумкасини қўлтиқлаб, бир неча чақиримлаб мактабга қатнайди. Энг қизиқ томони шундаки, мактабда эглаб исмини ёза олмайдиган синфдошларимизнинг аксари уйларида қасрмонанд юксалтириб, қўша-қўша машина олишга улгурган эди.

Алам қиладигани шунки, тўй-ҳашамла, синфдошлар йиғилганда бир умр дафтариндан кўчириб, мактабни битирган бола сента «ақл» бўла бошлайди.

Нима учун «иккичи»ларнинг аксари иқтисодий ва бошқа жиҳатдан яхши яшайди? Нима учун аълочилар бундай ҳолатга тушиб қолишади? Шу кундан бошлаб ана шу «нима учун»ларга жавоб ахтара бошладим.

қилмас экан. Улар билан ҳеч кимнинг иши бўлмагани сабабли, иккичилар индамайгина ўз ишларига эга бўлишар ва бир жойда узок вақт ишлайвериш орқали яна ҳам балинд погоналарга ўсишларини учун замин яратар экан.

Ишламаган... тишлайди

Дарҳақиқат, юқоридаги сўзнинг исботини чекка кишлоқлардаги мактабларни ўрганишга борганингизда кўрасиз. Юз нафарга яқин педагогик жамоадан бармоқ билан санарли ўқитувчиларни такрор-такрор педагоглар фаолиятини ўрганувчи ишчи гуруҳларига рўбарў қилишаверади. Ишчи гуруҳ ҳам барибир камчилик топади. Энг қизиғи, балоғардон ўқитувчилар ҳам ишни қилади, ҳам гапни эшитида. Директор ва унинг ўринбосарлари ҳомийлигидаги хат-хужжати-ю, саводи фовлаган иккичилар гуруҳи эса ҳар доимтидек хавф тугилиши билан дом-дараксиз гойиб бўлади.

«Бўрон» тиниб, ишхона шаффофлик «рўдапо»сига бурканганда, момақалди-роқдан кўрққан кўзиқоринлардай, муҳтарам иккичилар командаси бирин кетин, қаддини фоз тутганча пайдо бўлишди. Ва олатдагишдек, комиссия келганда кўксини қалқон қилиб, ишхонаси ва жамоаси учун курашган ўша бармоқ билан санарли «ишпёқмас»лар раҳбарият томонидан жазоланишини қарсақ чалиб кузатишади. Бу бордада минглаб мисол келтириш мумкин.

Масаланинг яна бир томони борки, иккичиларнинг аксари ёшлигида ўзига тўқ оилаларда катта бўлади! Бундай оилаларда ота-она фарзандига ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳам моддий, ҳам маънавий жомандан ёрдам беради. Фарзандлар эса жамиятдаги ўрнини ўша пуллар эвазига тиклайди-да, аълочиларни чангида қолдиради.

Шуларни ўйларканман, бугун бозорга чикмай, дарсларни ҳам қолдирмай, қулоғини динг қилиб, бутун вужуди билан билим олишга берилган синфимдаги аълочи ўқувчиларни кузата туриб беихтиёр уларга раҳмим келиб кетади...

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
журналист

Сизнинг ойлигингизни бир кунда топаман

Бир куни дарсимни бошқа бир ҳам-қабзимга тайинлаб, йўлга тушдим. Аммо бирортасини уйдан тополмадим, фаол ўқувчиларнинг тавсияси билан пайшанба, якшанба кунлари бўладиган, мактаб яқинидаги эски бозорга қараб йўл олдим.

Не кўз билан кўрайки, уларнинг ҳаммаси бозорда, бири арава тортар, бири писта, бири ичимлик сотарди, яна бири бошқа нарса...

Ҳаммасини энгидан тортиб, мактабга олиб келишим ва тарбиявий соат ўта бошладим. Шунда ўқувчиларимдан бири тилга кирди.

— Устоз сир бўлмаса, қанча ойлик оласиз?

Тўсатдан нега бу саволни берганига таажубландим. Ўқитувчининг ўртача маоши ўша пайтларда 350–400 минг сўм атрофида эди. Кўнглим бир нарсани сезгандек, журтгага ошириб айтдим.

— 500 мингдан ошиқ оламан, хўш, бу сента нимага керак?

— Йўқ шунчаки. Ҳафтала бир кун дарсга қатнашмасак нима бўпти...? Биз бу билан саводсиз бўлиб қолмаймиз-ку! Ота-онамизга, оиламизга озроқ ёрдам беришга ҳаракат қиляпмиз? Кейин, ўқиб, сизларга ўхшаб ойига 500 минг учун ишлаб юрарманми, мен бу пулни бир ҳафтада топаман, усто!

Ҳайратланганимдан «йўғ-ей», деб юборишимга оз қолди. Ичимдагини сиртимга чиқармасликка тиришиб, уларга худди ота-онам бир замонлар айтганидай:

Яхши яшаш учун яхши ўқиш кераклигини, улар учун ҳозир пул эмас, ўқиш муҳим эканини тушунтира кетдим. Бироқ бу фикрларни забоним сўзлариди-ю, ичимда нимадир дарз кетганди, айтаётган сўзимга ўзим ҳам ишонмасдим, чунки Камюнинг «Мактаб бизни дунёда мавжуд бўлмаган ҳаётга тайёрлайди» деган хитоби хаёлимдан бот-бот ўтарди.

Дарҳақиқат, мактабни битирганимиз-

Иккичилар аълочилардан омаддироқ...ми?

Интернетдан олинган маълумотларга кўра, бу саволга Британия Олий университети профессорлари ҳам жавоб излаган экан.

Айтилишича, иккичилар ҳаётда жуда кўп нарсани ўйлаб сиқилавермас экан. Бу эса уларга кейинчалик дуч келган ишга жойлашиб кетишга кўмак бераркан. Улар бу ишда ўсаманми, йўқми деган саволни деярли ўзларига беришмас, яна бир қизиқ томони, иккичиларда уят деган ҳиссиётунча ривожланмаган ёки ота-оналарнинг, ё атрофдагиларнинг танбеҳини эшитавериш, ўрганиб қолган бўлар экан. Бундан ташқари, иккичилар ҳеч қачон таваккал қилишдан кўрқимас экан. Сабаби уларнинг йўқотадиган нарсаси ҳам бўлмаган экан-да!

Шунингдек, иккичилар доимо сувдан куруқ чиқишар экан. Уларни ҳеч ким пайқамас, ҳеч нарсага жавобгар

Қосим-Жўмарт Тўқаев қасамёд келтирди ва Қозоғистон Президенти лавозимини эгаллади. Инаугурация маросими Нур-Султондаги Мустақиллик саройида бўлиб ўтди.



